

БЕРДАҚ атындағы ҚАРАҚАЛПАҚ
МӘМЛЕКЕТЛИК УНИВЕРСИТЕТИНИҢ


ХАБАРШЫСЫ

БЕРДАҚ номидаги ҚОРАҚАЛПОҚ
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ

АХБОРТОТНОМАСИ

ВЕСТНИК

КАРАКАЛПАСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА им. БЕРДАХА



3

НӨКІС 2020 НУКУС

**БЕРДАҚ атындағы ҚАРАҚАЛПАҚ МӘМЛЕКЕТЛИК
УНИВЕРСИТЕТИНИҢ**

ХАБАРШЫСЫ

**БЕРДАҚ номидаги ҚОРАҚАЛПОҚ
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ**

АХБОРТОТНОМАСИ

ВЕСТНИК

**КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА им. БЕРДАХА**

№ 3 (48)

2020

Каракалпакский госуниверситет им. Бердаха

Учредитель и издатель: Каракалпакский государственный университет им. Бердаха

Главный редактор: доктор технических наук РЕЙМОВ А. М.

Заместитель главного редактора: доктор географических наук ТУРДЫМАМБЕТОВ И.Р.

Ответственный редактор журнала: ТУРСЫНМУРАТОВ М.

Редакционная коллегия:

АБДИНАЗИМОВ Ш. – проф., доктор филологических наук, АБДУЛЛАЕВА М.Н. – доктор философских наук, АЛЕУОВ У. – проф., доктор педагогических наук, АМЕТОВ Я. – доц., доктор биологических наук, АСЕНОВ Г. – проф., доктор биологических наук, БАЙМАНОВ К. – проф., доктор технических наук, БАЛЛИЕВА Р. – доктор исторических наук, БАБАДЖАНОВ Ф. – доц., кандидат филологических наук, БЕРДИМУРАТОВА А. – проф., доктор философских наук, ЕРКИБАЕВА Г.Г.– доктор педагогических наук, ЖАРИМБЕТОВ К. – проф., доктор филологических наук, ЖОЛЛЫБЕКОВ Б. – проф., доктор географических наук, ЖУМАНОВ М.А. –проф., доктор биологических наук, ИБРАГИМОВ М.Ю. – доктор сельскохозяйственных наук, ИСМАЙЛОВ К.А. – проф., доктор физико-математических наук, КОЩАНОВ Б. – проф., доктор исторических наук, КУДАЙБЕРГЕНОВ К.К. – проф., доктор физико-математических наук, КУДАЙБЕРГЕНОВ М.С. – проф. доктор филологических наук, КУТЫБАЕВА Е. – проф., доктор юридических наук, КАЙЫПБЕРГЕНОВ Б.Т. –доктор технических наук, МАМБЕТУЛЛАЕВА С.М. – проф., доктор биологических наук, МАМБЕТНАЗАРОВ Б.С. – проф., доктор сельскохозяйственных наук, МАТКУРБАНОВ Р. – доктор юридических наук, МАТЧАНОВ А.Т. – проф., доктор биологических наук, МУМИНОВ Ф.А. – проф., доктор филологических наук, РЕЙМОВА.З.А. – проф., доктор юридических наук, РУЗИЕВ Э. – проф., доктор педагогических наук, ТАГАЕВ М.Б. – проф., доктор технических наук, ТИЛЕУМУРАТОВ Г. – доц., кандидат филологических наук, УБАЙДУЛЛАЕВ Х. – проф., доктор экономических наук, УТЕБАЕВ Д. – доц. доктор физико-математических наук, УТЕУЛИЕВ Н.У. – проф., доктор физико-математических наук, УРАЗЫМБЕТОВ К.К. – проф., доктор филологических наук, УМАРОВА К. - доктор юридических наук, ХВАН Л.Б. – проф., кандидат педагогических наук, ХОЖАНИЯЗОВ Г.Х. – кандидат исторических наук, ХИКМАТОВ Ф. – проф., доктор географических наук.

Журнал издается с 2008 года

Выходит 4 раза в год на каракалпакском, узбекском, русском и английском языках

Адрес редакции: 230100, г. Нукус, ул. Ч. Абдирова, 1.

Телефон: 223-60-19

E-mail: vestnik@karsu.uz

Редактор: Машарипова Т. Ж.

Корректор: Кайыпова Ф.Ж.

Компьютерная верстка: Сейдабуллаева Ф.

«Вестник Каракалпакского государственного университета им. Бердаха» Постановлениями Президиума ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан (20.03.2015 г., №214/2; 18. 11.2015 г., №218/5; 22.12.2015 г., №219/5;23.12.2016 г., №232/5; 29.12.2016 г., №233/4; 29.03.2017 г., №239/5; 29.08.2017 г., №241/8; 28.12.2017 г., №247/6) включен в перечень научных изданий, рекомендованных Высшей аттестационной комиссией Республики Узбекистан, для публикации основных научных результатов докторских диссертаций по научным направлениям История, Философия, Филология, Юристика, Педагогика, Психология, Экономика, Политология, Исламоведение.

Сдано в набор 03. 09. 2020. Подписано к печати 20. 09. 2020. Формат бумаги 60x84 1/8. Печать офсетная. Бум. л. 30,1. Уч.-изд. л. 20. Тираж 300. Цена договорная.

Каракалпакский государственный университет им. Бердаха. г.Нукус, ул. Ч. Абдирова,1 Журнал зарегистрирован Каракалпакским агентством печати и информации. Регистрационный номер №01-051 от 31 октября 2008 г.

Отпечатано в ООО «GOLDEN PRINT NUKUS». г. Нукус, ул. Н. Сараева 1.

© Вестник Каракалпакского государственного университета им.Бердаха

Founder and publisher: Karakalpak State University named after Berdakh
Editor in Chief: Doctor of Technical Sciences REYMOV A. M.
Deputy Editor-in-Chief: Doctor of Geographical Sciences TURDYMAMBETOV I.R.
Responsible editor of the periodical: TURSYNMURATOV M.

Editorial team:

ABDINAZIMOV Sh. – Prof., Doctor of Philology, ABDULLAEVA M.N. – Doctor of Philosophy, ALEUOV U. – Prof., Doctor of Pedagogical Sciences, AMETOV I. - Associate Professor, Doctor of Biological Sciences, ASENOV G. – Prof., Doctor of Biological Sciences, BAYMANOV K. - Prof., Doctor of Technical Sciences, BALLIEVA R. – Doctor of Historical Sciences, BABAJANOV F. – Docent, PhD of Philological Sciences, BERDIMURATOV A. – Prof., Doctor of Philosophy, ERKIBAEVA G. G. – Doctor of Pedagogical Sciences, ZHARIMBETOV K. – Prof., Doctor of Philology, ZHOLLYBEKOV B.–Prof., Doctor of Geography, ZHUMANOV M.A. –Prof., Doctor of Biological Sciences, IBRAHIMOV M.YU. – Doctor of Agricultural Sciences, ISMAYLOV K.A. – prof., Doctor of physical and mathematical sciences, KOSCHANOV B. – prof., Doctor of historical sciences, KUDAYBERGENOV KK – Prof., Doctor of Physical and Mathematical Sciences, KUDAYBERGENOV M.S. – prof. Doctor of Philology, KUTYBAEVA E. – Prof., Doctor of Law, KAYPBERGENOV B.T. – Doctor of Technical Sciences, MAMBETULAEVA S.M. – Prof., Doctor of Biological Sciences, MAMBETNAZAROV B.S. – Prof., Doctor of Agricultural Sciences, MATKURBANOV R. – Doctor of Law, MATCHANOV A.T. – Prof., Doctor of Biological Sciences, MUMINOV F.A. – prof., Doctor of philological sciences, REIMOVA.Z.A. - Prof., Doctor of Law, RUZIEV E. – prof., Doctor of pedagogical sciences, TAGAYEV M.B. – prof., Doctor of technical sciences, TILEUMURATOV G. - Assoc., Candidate of Philological Sciences, UBAYDULLAYEV H. – prof., Doctor of economics, UTEBAEV D. - Assoc. Doctor of Physical and Mathematical Sciences, UTEULIEV N.U. – prof., Doctor of physical and mathematical sciences, URAZYMBETOV K.K. – Prof., Doctor of Philology, UMAROVA K. – Doctor of Law, KHAMIDOV Kh. – Academician, Doctor of Philology, KhVAN L.B. – prof., PhD of pedagogical sciences, HOZHANIYAZOV G. – PhD of historical sciences, KhIKMATOV F.– prof., Doctor of geographical sciences.

Periodical has been published since 2008

Issued 4 times a year in Karakalpak, Uzbek, Russian and English

Editorial address: 230100, Nukus, st. Ch. Abdirov, 1.

Phone: 223-60-19

E-mail: vestnik@karsu.uz

Editor: Masharipova T. Zh.

Proofreader: Kayipova F.Zh.

Computer layout: F. Seydabullaeva

"The Herald of Karakalpak State University named after Berdakh" is included in a list of scientific publications recommended by the Higher Attestation Commission under the Cabinet of the Minister of the Republic of Uzbekistan for the publication of the main scientific results of doctoral dissertations in scientific areas History, Philosophy, Philology, Law, Pedagogy, Psychology, Economy, Political Sciense, Islamic Studies, by decrees of the Presidium of the Higher Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan (20.03.2015 г., №214/2; 18. 11.2015 г., №218/5; 22.12.2015 г., №219/5; 23.12.2016 г., №232/5; 29.12.2016 г., №233/4; 29.03.2017 г., №239/5; 29.08.2017 г., №241/8; 28.12.2017 г., №247/6).

Delivered to the set 03. 09. 2020. Signed for printing 20. 09. 2020. Paper size 60x84 1/8. Offset printing. Paper sheet 30,1. Edu.pub. sheet 20. Circulation 300. Price is negotiable.

Karakalpak State University. Berdah Nukus, st. Ch. Abdirova, 1

The periodical is registered by the Karakalpak Press and Information Agency.

Registration number №01-051 from October 31, 2008

Printed by «GOLDEN PRINT NUKUS» Ltd. Nukus, st. N. Sarayeva 1

© Herald of Karakalpak State University named after Berdakh

УДК:338.246.2:339.5(575)

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БОШҚАРУВИННИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Қаҳҳоров О. С.

Бухора давлат университети

Кириш. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида «...сифатли олий таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, ОТМлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш»[1] бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самараали ижроси худудларда ракобатбардош кадрлар тайёрлашда стратегик бошқарув механизмини такомиллаштиришни талаб этади.

Жамият иқтисодиёти ва таълим даражаси ижтимоий тизимнинг ўзаро боғлиқ элементлари бўлиб, уларнинг ҳар бири бошқасининг ривожланишига турлича таъсир кўрсатади. Аммо устуворлик жамиятнинг илмий ва маърифий салоҳиятига тегишли бўлиб, у ахборот жамияти шароитида миллий бойлик ва унинг зарур элементини кўпайтиришнинг энг муҳим омили сифатида фаолият юритади. Бундан ташқари, аҳолининг таълим даражаси ва унинг турмуш сифат кўрсатичлари «турмуш фаровонлиги» ва «инсон ривожланиши индекси» каби ижтимоий-иктисодий тушунчалар билан алоқадор бўлиб, олий таълим самарадорлиги ҳам бошка бир қатор омилларга таянади. Бу таълим даражаси ва ялпи ички маҳсулот ўртасида аниқ боғлиқлиқдан келиб чиқади. Барқарор иқтисодиётни яратишнинг марказий муаммоси ҳозирги кунда иқтисодий ўсиш, одамларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини белгиловчи асосий омил бўлган инсон капиталига инвестицияларнинг самарадорлиги бўлиб қолмоқда. Замонавий шароитда, таълимнинг ижтимоий-иктисодий аҳамиятини, мураккаб меҳнатнинг ролини умумий қайта кўриб чиқиш бошқаларга қараганда кўпроқ «инсон капитали» назарияси томонидан илгари суримоқда, у ходимларнинг умумий ва маҳсус билимларини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омили деб билади.

Инсон капитали назариясининг дунё иқтисодий фикрининг мустақил оқими сифатида шаклланишида таълим иқтисодиётининг турли жиҳатларини кўриб чиқишига бағишинган алоҳида тадқиқотлар амалга оширилган. Бундай тадқиқотларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборат эдики, уларнинг аксарияти жамият сиёсий иқтисодининг методологик тамойиллари нуқтаи назаридан инсон капитали ва таълим иқтисодиёти тўғрисидаги тушунчаларни танқидий таҳлил қилиш характерига эга бўлиши лозим. Бироқ, бу ҳақиқат юқори илмий даражада олиб берилган изланишларнинг илмий аҳамиятини камайтирумайди.

Маълумки, иқтисодчилар «капитал»ни товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бойлик захираси сифатида белгилайдилар. Кўпинча капитал деганда, дастгоҳлар ва техник жихозлар, шунингдек, саноат ва тижорат обьектлари тушунилади. Буларнинг барчасини жисмоний капитал деб аташ тўғрироқ кўринади, иқтисодий назарияда у доимий капиталдир. Бироқ товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш одамларнинг билимлари, кўнікмалари ва маҳсулдорлиги ишлаб чиқаришнинг техник воситарадан кам эмас. Замонавий ишлаб чиқаришда инсон омилининг катта аҳамияти, бир томондан, жисмоний капитал эгалари ва бошка томондан билим, кўнікма ва меҳнат унумдорлиги эгалари ўртасида даромадларни тақсимлаш хусусиятида акс этади. Машхур америкалик иқтисодчи Э.Денисоннинг хисоб-китобларига кўра, инсон капиталига инвестициялар моддий ишлаб чиқаришга киритилган инвестицияларга нисбатан 5-6 баравар кўп фойда келтиради. Жаҳон банки 192 мамлакатда ўтказилган сўров натижаларига кўра, иқтисодиёти ўтиш давридаги мамлакатларда иқтисодий ўсиш факат 16 фоизи жисмоний капитал, 20 фоизи табиий капитал, колган 64 фоизи инсон ва ижтимоий капитал ҳисобига бўлади деган хulosага келди[2]. Бу эса ўз навбатида, инсон имкониятларини амалга оширишда даромади паст бўлган давлатлар учун, янги соҳалар куришдан кўра, соғлиқни саклаш, таълим ва фанга сармоялар киритиш фойдалари оғизларига асослайди.

Инсон капитали, асосан, таълим ва ўқитиши орқали яратилади ва ривожлантирилади. Уларнинг ёрдами билан инсон фаолияти самарадорлиги ошади, бу эса ўз навбатида унинг иш ҳаки миқдорининг ошишига бевосита таъсир қиласи. Ҳукуматлар, индивидуал ишчилар ва уларнинг иш берувчилари таълим ҳамда касбий тайёргарликка (билим ва кўнікмаларни ошириш учун) инсон капиталига пул ва вакт сарфлайдилар. Инсон капиталига бундай сармоялар, бошка инвестициялар каби, маълум бир курбонликларни талаб қиласи ва одамлар келажакда янада юқори даромад кўринишида мукофот олишни кутган ҳолда ҳаракат қиласидар.

Юқори маълумотли аҳоли мамлакат тараққиётини тезлаштиришга ёрдам беришига ишонган ҳолда, давлат таълимга маблағлар сарфлайди. Иш берувчилар ўз ходимларига қилган харажатлари қайтишини ва ишчиларнинг юқори маҳсулдорлиги туфайли қўшимча даромад олишини билган ҳолда уларни ўқитиши ҳамда қайта тайёрлаш учун маблағ тикишга рози бўладилар. Ҳозирги кунда одамларнинг ўзлари ҳам кўпинча таълим олиш учун нафақат вақтни, балки пулни ҳам сарфлашга тайёрлар (шартнома асосида), чунки кўп мамлакатларда кўпроқ маълумотли, юқори малакали ишчилар нисбатан кўпроқ даромад олиши барчага маълум. Бироқ, таълимнинг иқтисодий таъсири ҳар доим ҳам бир хил эмас. Ушбу таъсирининг пасайишига таъсир килувчи омиллар кўп (1-жадвал).

1-жадвал. Таълим муаммосининг иқтисодий таъсири ва изохи [4]

T/p	Муаммо	Изоҳ
1.	Таълим сифати паст бўлиши ёки ўқиши давомида	Бу шуни англатадики, инсон капитали паст сифатга

	олинган билим ва кўникмалар бозор талабларига жавоб бермаслиги.	эга бўлади, кам даромад олади натижада жамият ва унинг алоҳида аъзолари кутганидан инсон апиталига инвестиациялар етарли даражада самарали бўлмайди.
2.	Мамлакатда иқтисодий ўсишнинг паст суръатларида тўпланган инсон капиталига талабнинг камлиги.	Шунинг учун ишчиларнинг инсон капитали (маълумот ва кўникмалар) талаб қилинмайди ва юкори кийматга эга бўлган иш ҳақини олмайдилар.
3.	Иқтисодиёти маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан бошқариладиган мамлакатларда маълумоти ва касби юкори даражада бўлган ишчиларнинг ойлик машиидаги тафовут, нисбатан сифатли меҳнатни рағбатлантириш манфаатларига зарар етказган ҳолда, нисбий даромадлар тенглигини таъминлаш мақсадида атайлаб камайтирилиши.	Албатта, ҳозирги вақтда бозор иқтисодиётига ўтиш жараённида иш ҳаки таркибидаги бундай бузилишларга аста-секин барҳам берилмоқда

Инсон капиталининг умумий миллый захираси ва унинг ўсиш суръати мамлакат иқтисодий ривожланиш даражаси ҳамда суръати учун жуда муҳимдир, чунки инсон капитали мамлакат иқтисодиётининг техник янгиликларни идрок этиш ва ундан фойдаланиш кобилиятини белгилайди. Тўғри, инсон капиталига инвестициялар, уларнинг аҳамиятига қарамай, жадал иқтисодий ўсиш учун етарли эмас. Фикримизча, бундай инвестицияларга давлатнинг ривожланиш стратегиясини кўшилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, қабул қилинган ривожланиш стратегиялари мавжуд бўлган инсон капиталидан тўлиқ фойдаланишга имкон бермайди. Бу борада марказий режалаштириш тизими тўқсингенлик қиласи, аммо таълим тизимида қилинган ҳар қандай харажат охир оқибат инсон капиталига инвестицияларнинг қайтишини таъминлайди: Мамлакатимизнинг бу борада ривожланишига бозор ёндашувидан фойдаланиш устун келади, бунинг натижасида иқтисодий ўсиш суръати сезиларли даражада ошади ва бу мамлакат ичидағи миллый кадрлардан янада самарали фойдаланишга олиб келади. Шу маънода, Ўзбекистон Республикасида олий таълимга бўлган эътибор ва ахолининг билим олишга бўлган қизиқиши натижасида йилдан-йилга талabalар қабули кўрсаткичлари ортиб бормоқда (2-жадвал).

2-жадвал. Республика ОТМларда билим соҳалари бўйича бакалавриат йўналишига талabalар қабули кўрсаткичлари

Т/р	Ўкув йили	Жами	Гуманитар соҳа	Ижтимоий соҳа. Иқтисод ва хукук	Ишлов бериш техник соҳа	Қишлоқ ва сув хўялиги	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот	Хизматлар соҳаси
1.	2010-2011	59141	6964	7143	12088	4437	2234	1525
2.	2011-2012	60112	28538	7331	12439	3921	4856	2912
3.	2012-2013	58273	26908	5540	14347	5374	3155	2949
4.	2013-2014	59739	27344	5214	15548	5435	2988	3210
5.	2014-2015	62265	25803	5611	18626	5517	3557	3151
6.	2015-2016	58301	23919	5574	18561	4928	2812	2507
7.	2016-2017	57705	23666	5440	18457	4821	2816	2505
8.	2017-2018	80822	42865	6406	19762	5367	3138	3284
9.	2018-2019	94057	52264	7686	21597	5589	3614	3307
10.	2019-2020	102400	54214	8966	22756	6842	4991	4631

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2010 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда Олий ўкув юртларига қабул қилинганлар сони 73,2 фоизга ошиб 102400 нафарга етди. Қабул қилинган талabalар сонининг бу даражада ошиши, аввалимбор, ахолининг истак-ҳоҳиши ва талаб даражасидан келиб чиқиб, 2019-2020 ўкув йили учун ОТМларига қабул қилиш квоталарида бакалаврлар тайёрлаш бўйича кундузги таълимга – 80430 нафар, сиртқи таълимга – 19985 нафар ва кечки таълимга 1985 нафар қилиб белги-ланганлигидир. Шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторларида мавжуд эҳтиёждан келиб чиқкан ҳолда жорий ўкув йилидан бошлаб **66** та замонавий таълим йўналиши ва **48** та магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга кўйилиши, **20** та олий таълим муассасасида **10** та хорижий давлатнинг етакчи олий таълим муассаса-лари билан ҳамкорликда **33** та таълим йўналиши ва **14** та мутахассислик бўйича **қўшма таълим дастури** асосида кадрлар тайёрлашни йўлга кўйилганлигидан деб қараш мақсадга мувофиқдир.

Кўпгина давлатлар хукуматлари таълим хизматларини тақдим этишда тобора кўпроқ иштирок этмоқда. Давлат харажатларининг ЯИМга нисбатан фоиздаги тафовути, турли мамлакатлар хукуматлари томонидан инсон капиталининг миллый захирасини ошириш муаммосига ҳар хил аҳамият берини акс эттиради. Тадқиқотлар шуни кўрсатади, бугунги кунда ривожланаётган мамлакатларда хукуматлар 1980 йилга нисбатан ўртача даромаднинг катта қисмини таълимга ажратмоқда. Бироқ, бу улуш ривожланган мамлакатлarda ажратилганидан миқдордан кам бўлиб, кам даромадли мамлакатларда - 3,4% ва ўрта даромадли мамлакатларда 4,4%, юкори даромадли мамлакатларда 5,6% ни ташкил этади[2]. Ўзбекистон Республикасида эса Олий таълимга давлат бюджетидан 2018 йилда 875,9 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 1 триллион 288,4 миллиард сўмга етди ёки қарийб 1,5 бараварга кўпайди [4].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасида давлатнинг аҳоли жон бошига таълимга сарфлайдиган харажатларининг мутлак қиймати бўйича сезиларли тафовут мавжуд. Бу тафовут қашшоқликнинг аянчли айланишини намоён этади. Жумладан, аҳоли жон бошига нисбатан кам даромадли одамларни капиталга инвестицияларни кўпайтиришига имкон бермайди, меҳнат унумдорлигини ва шу тариқа аҳоли жон бошига даромаднинг сезиларли даражада ўсишига тўсқинлик қиласди. Таъкидлаш лозимки, кўп мамлакатларда таълим учун сарфланадиган харажатларнинг катта қисми шахсий улушга тўғри келади. Турли мамлакатларда таълим ва давлат харажатлари ўртасидаги нисбат бир хил эмас ва ўртача даромад даражасига бевосита боғлиқ бўлмайди. Шундай қилиб, кам даромадли давлатлар орасида умумий таълим харажатларида хусусий секторнинг улуси 20 фоиздан (Шри-Ланка) деярли 60 фоизгача (Уганда ва Ветнам), юқори даромадли давлатлар орасида эса 5 фоиздан (Австрия) 50 фоизгача (Швейцария) фарқ қиласди[5].

Таълимнинг турли даражаларида давлат ва хусусий маблағлар нисбати бўйича маълум бир ҳолат мавжуд. Аксарият мамлакатларда давлат бошланғич ва ўрта таълимни бепул беради, чунки нафақат фуқаролар, балки бутун мамлакат аҳолиси ўқиш, ёзиш ва иқтисодий ҳаётда иштирок этиш имкониятига эга бўлишилари муҳим аҳамиятга эга. Одатда, давлат ва хусусий университетларда ўқиш учун тўлов олинади, чунки бун-да таҳсил олганларнинг катта қисми олий маълумотлари учун кўпроқ маош оладилар.

Касбий таълимда, кўпинча иш жойида бевосита ўқитишни таъминлайдиган ёки касб-хунар мактабларида ўқиши молиялаштиришга ёрдам берадиган иш берувчилар муҳим рол ўйнайди. Давлат иккита асосий сабабга кўра иш берувчилар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўладилар (1-расм).

Касб-хунар таълимини меҳнат бозори эҳтиёжлари билан иложи борича якинлаштириш муҳимдир. Махсус кўнікмалар тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш технологиясининг прогрессив ўзгариши шароитида яхши натижага беради.

Тингловчиларнинг ўзлари ва уларнинг бўлажак иш берувчиси томонидан касб-хунар таълимига қўшма ҳақ тўлаш давлат маблағларини тежашга ёрдам беради

1-расм. Давлатнинг иш берувчи билан ҳамкорлик сабаблари[2]

Давлатнинг касб-хунар таълими тизими билан иш берувчи ўртасидаги ҳамкорлик фикримизча, қачонки ҳар икки томон манфаати кондирилганда янада ривожланади. Ишга киришдан олдин юқори сифатли умумий таълим инсоннинг бутун иш фаолияти давомида янги кўнікмаларга эга бўлишининг энг яхши кафолати бўлиб, шунингдек, иш берувчининг бундай ходимни касбий тайёргарлигига сармоя киритишдан манфаатдор бўлишидир. Шунинг учун сўнгги йилларда мамлакатимизда мактабгача тарбиядан бошлаб, бошланғич ва ўрта мактаб фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда. Хукуматимиз Республика аҳолисининг мисли кўрилмаган ўсишига қарамай, мактабгача тарбия муассасасига ёзилиш даражасини кескин оширишга муваффақ бўлмоқда.



2-расм. 1-6 ёшгача мактабгача тарбия муассасаси қамрови[8]

2-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2005 йилда 1-6 ёшгача бўлган аҳолининг 16,9 фоизи қамраб олинган бўлса, 2018 йилга келиб мактабгача таълим вазирлиги томонидан 6 ёшли болаларни мажбурий бир йиллик мактабгача таълимга қамраб олиш лойиха дастури доирасида бу кўрсаткич 4 фоиз ошиб 20,9 фоизга етди. Албатта, мамлакатда таълим тизимини ривожлантириш фақатгина мактабгача тарбиянинг ўзи билан амалга оширилмайди. Шу боис, хукуматимиз томонидан умумий ўрта таълимда ҳам ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўн бир йиллик мажбурий умумий ўрта таълим тизимига изчил ўтишни таъминлаш, такомиллаштирилган давлат таълим стандарти ва ўкув дастурлари асосида умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларига давлат намунасидаги расмий хужжатларни бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги расмий хужжатларнинг давлат намунасини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинди. Бу эса ўз навбатида мамлакатни етук салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш ва таълим узлуксизлигини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, ривожланган давлатлар эришган даражага етиш учун хали анча ишларни амалга ошириш лозим. Бундай тафовутлар айникса, ривожланган ва ривожланаётган давлатлардаги олий маълумотлар ўртасидаги фарқларда намоён бўлади. Чунки, олий таълим муассасасини битирган хар бир битирувчи мутахассис бўлиб етади ва у мамлакат иқтисодиётида ўз ўрни ҳамда мавқеига эга бўлади. Худудларда янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари, мутахассисликлари ҳамда сиртқи ва кечки бўлимларнинг очилиши, олий таълим муассасаларига қабул кўрсаткичларининг оширилиши мазкур йўналишдаги мухим ислоҳотлар хисобланади. Шу маънода, 2019 йилда Республикаиздаги олий таълим муассасалари сони 77 тадан 110 тага етди, улардан 19 таси хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари. Сўнгти икки йилда 12 та хорижий олий таълим муассасаси филиаллари ташкил этилди (АҚШ – 1, Россия – 5, Жанубий Корея – 3, Латвия – 1, Хиндистон – 2). Биргина 2018/2019 ўкув йилида 20 та олий таълим муассасасида 10 та хорижий давлатнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда 33 та таълим йўналиши ва 14 та мутахассислик бўйича қўшма таълим дастури асосида кадрлар тайёрлаш йўлга кўйилди. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси ва унинг худудларида фаолият кўрсатиётган олий таълим муассасаларининг самарадорлигини, унинг самарали бошқарувини янада такомиллаштиришни талаб этади. Чунки, мамлакатда ахолининг олий маълумот олишга бўлган қизиқиши, келгусида етук мутахассис бўлиши ва энг асосийси кадрлар рақобатбардошлигини олий ўкув юртларининг самарали бошқаруви асосида таъминланади.

Республикамизнинг ўрта ва олий ўкув юртларида талабалар улушининг ошиши, биринчи навбатда, давлатнинг таълим сарф-харажатларини билан изоҳланади. Мустақилликнинг дастлабки ўтиш давридаги инқироз йилларида бу кўрсаткич 4,1% гача камайди, аммо “Таълим тўғриси”даги қоннуннинг қабул килиниши натижасида ЯИМнинг ривожланишини хисобга олган холда кўтарилиши давом этди.


Тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикасида билим соҳалари бўйича бакалаврият йўналишига талабалар қабули кўрсаткичлари 2010 йилга нисбатан 2019 йилда барча йўналишлар бўйича ўсган бўлиб, бу айникса, гуманитар соҳада 7,8 баробар, хизматлар соҳасида 3 баробар ва согликни сақлаш ва ижтимоий таъминот йўналишида 2,2 баробар ортган. Бу эса гуманитар фанлар, иқтисодиёт, молия, чет тиллари ва янги меҳнат бозори талаб қиласидаги бошқа кўниммалар бўйича билимларни берадиган дастурларга талаб ортишини ҳамда янги педтехнологиялар асосида таълим бериш лозимлигини келтириб чиқарди. Тадқиқотлар шуни кўрсатади, ҳозирги кунда кўплаб ўкув муассасалари талабнинг бундай ўзгаришига тезкор равища жавоб бермайдилар. Талабалар сонига кўра таълим сифатига баҳо беришнинг иложи йўқлиги аниқ аммо, ўқишга кириш кўрсаткичлари мамлакатнинг таълим соҳасидаги нисбий ютуқлари ҳақида тахминий фикрни беради. Ижобий иқтисодий натижаларга эришиш учун таълим ва кадрлар тайёрлаш таркиби меҳнат бозорининг доимий ўзгариб турадиган талабларини қондириши, битирувчиларни мамлакат иқтисодий ривожланишининг ҳар бир босқичида энг кўп талаб қилинадиган билим ва кўниммалар билан таъминлаши керак. Масалан, режалаштирилган бошқарув тизимидан бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар одатда ривожланаётган хусусий ва ислоҳ қилинган давлат секторида кўпроқ иқтисод ва бизнесни бошқариш бўйича мутахассислар билан ишлашни талаб қиласди.

Ҳозирги кунда замонавий "ахборот инқилоби" компютерларни яхши биладиган мутахассисларни кўпроқ талаб қиласди ва иқтисодий алокалар "глобаллашуви" сабабли чет тилларни билишга, бу орқали хорижий тажрибаларни ўрганишга ундаиди. Чунки, янги билим ҳамда кўниммаларни тезда ўзлаштира оладиган ишчилар ҳамма жойда керак ва талабаларда бундай қобилиятларни ривожлантирумайдиган таълим тизимини самарали деб хисоблаш қийин. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, рақобатбардош бозор иқтисодиёти шароитида янги ёндашишга қодир бўлмаган ва асл муаммоларни ҳал қилишга эҳтиёж сезмаган битирувчилар ишсизлар ва камбагаллар сонини тўлдириш хавфи юкори.

Таълимга сармоя киритиш мамлакатдаги инсон капиталини ошириш ва иқтисодий ўсиш истиқболларини яхшилашнинг мухим усули хисобланади. Чунки таълим одам-ларнинг дунёкарашини кенгайтиради, уларга ўзини англаш имкониятини беради ва уларнинг моддий фарновонлиги ҳамда соғлом турмуш тарзига хисса қўшади. Шунинг учун мутахассисларнинг фикрига кўра, ахолининг саводхонлиги ва маълумот даражаси мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ҳолатининг мухим кўрсаткичларидан бири хисобла-нади. Инсон капитали назарияси ҳар доим таълимга инвестицияларнинг юкори самарадорлигидан келиб чиқсан. Таълим орқали шахсга сармоя киритиш самарадор-лиги бўйича олиб борилган барча тадқиқотлар шуни кўрсатади, ўқиш даври ошгани сайн маблағларни ажратиш рентабеллиги жисмоний капиталга инвестицияларнинг рентабеллилигидан анча юкори бўлади. Ушбу хуносалар ривожланган мамлакатларда таълим ва таълим соҳасининг мисли кўрилмаган ривожланиши учун назарий асос бўлди. Таълим харажатлари жамоатчилик фикри билан энди самараасиз истеъмол харажати сифатида эмас, балки инвестицияларнинг энг самарали турларидан бири сифатида қабул қилинмоқда.

Таълимнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларини хисоблаш учун асос инсон капиталига инвестициялар (таълим харажатлари) ишчининг меҳнат унумдорлигини ошишига олиб келади ва бу ўз навбатида юкори даромад олишни кафолатлайди. Таълимнинг иқтисодий самарадорлиги таълим билан боғлиқ тўғридан-тўғри пул даромадлари ва уни олиш билан боғлиқ харажатларнинг ўзаро боғлиқлиги билан белгиланади. Таълимнинг турли даражаларига қайтишнинг хусусий ва давлат ички кўрсаткичлари хисоб-

китобларига асосланган таълимга инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг анъанавий усуллари иқтисодий адабиётларда катта эътиборга эга бўлди (3-расм).



3-расм. Таълимнинг афзаликлари

3-расмда келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, баъзи одамлар таълимни истеъмолчи манбаи деб билишади, маърузаларда қатнашиш ва талабалар турмуш тарзини ёқтиришади. Баъзилар қизикувчанлигини қондиришади, ўкув жараёнидан завқланишади, бошқалари эса узоқ муддатли манфаатлар туфайли таълим олишга интилишади. Албатта, қандай бўлмасин, таълимнинг фойдаси узоқ вақт, деярли умр бўйи олиниши мумкин. Аммо келажакдаги имтиёзлар бугунги кунда олинган имтиёзларга қараганда камрок бўлиши мумкин. Биринчидан, даромадни истеъмол қилиш учун сарфлансангиз, буни олдинроқ қилиш тавсия этилади. Вақт ўтиши билан истеъмол қилиш учун психологик имтиёз мавжудлиги исботланган. Келгусида завқланиш ҳаётнинг ноаниклиги туфайли муаммо бўлиши мумкин.

Иккинчидан, агар кўшимча даромад келгусида фойда олиш учун жисмоний капиталга инвестиция сифатида ишлатилса, уни кейинроқ эмас, балки тезроқ қилиш яхшироқдир. Шунинг учун, ҳар қандай холатда, келажакдаги имтиёзлар чегирилиши керак, бу эса ўз вақтида бир нуктага олиб келади. Ҳозирги вақтда N давр учун йиллик фойда оқимининг жорий қийматини қўйидаги формула бўйича ҳисоблаш мумкин:

$$V_0 = \frac{P_1}{1+r} + \frac{P_2}{(1+r)^2} + \frac{P_3}{(1+r)^3} + \cdots + \frac{P_n}{(1+r)^n} \geq C \quad (1)$$


бу ерда V_0 -жорий қиймат (V_0 -Current value);

r - фоиз ставкаси (чегирма ставкаси);

P_n - n даврда олинган фойда (P -profit);

C - олий таълимнинг умумий ҳаражатлари.

Институтга кирган киши даромаднинг иккита альтернатив оқимидан бирини танлайди: А оқими битирувдан сўнг дархол бошланади, лекин унчалик катта эмас; В (институт битирувчиларининг) оқими дастлабки беш йил давомида (ўкиш ҳаражатлари туфайли) манфий, аммо кейин у ижобий бўлиб, мактаб битирувчиларининг иш ҳақидан ошиб кетади (4-расм).



4-расм. Касб мактаблари ва олий ўкув юртлари битирувчилари даромадларининг альтернатив оқимлари

Олий маълумотли ишчиларнинг ҳаётидаги умумий даромади ўртача умумий маълумотга эга бўлган ишчиларнинг иш ҳақидан ошиши керак. Ҳозирги кунда кўп одамлар кўшимча даромадларини олий маълумот олиш учун таълимга сармоя киритиб келгусида яхши яшаш ва маълум даромадга эга бўлиш бўйича сарфлайдилар. Албатта, бунда олинган таълим билан боғлиқ бўлган кўшимча даромадлар таълимга сарфланадиган инвестициялардан кўп бўлиши керак, чунки келажакдаги даромадларни дисконтлаш ҳозирги вақтга келиб уларнинг қийматини пасайтиради. Шундай қилиб, келажакдаги кўшимча даромадлар оқимининг ҳозирги қиймати (V_0) таълимдаги инвестициялардан кўпроқ бўлса, таълимга инвестициялар фойдали бўлади.

$$W_1 = \sum_{t=1}^T \frac{P_{jt} - P_{it}}{(1+r)^t} - C \quad (2)$$

бу ерда C -олий маълумотнинг умумий қиймати;

P_n - бу олий ўкув юртлари ва касб мактаби битирувчилари даромадларининг йиллик фарқи.

1. Келажақдаги даромад оқимининг хозирги (жорий) қиймати фаркини хисоблаш ва таълим билан боғлиқ инвестициялар ҳажмини солиштириш усули.

2. Келгуси даромад оқимининг жорий қиймати қандай фоиз ставкасида таълимга сарфланадиган сармояга тенг эканлигини кўрсатадиган ички даромадлилик даражасини аниқлаш.

5-расм. Таълимга инвестиция киритиш самарадорлигини баҳолаш мезонлари

Ҳақиқий хаётда, хеч ким олий ўкув юргига киришни олий маълумотга кўйилган сармоялар самарадорлиги бўйича хисоб-китоблар асосида қабул қилишга қарор қилмайди. Шунга қарамай, абитуриентлар маълум баҳолардан фойдаланадилар (ўзлари, ота-оналари ва танишлари) ва ўқишини тутгатгандан сўнг кўшимча даромад олиш имконияти ҳамда бунинг учун харажатларни тўлаш зарурлигини хисобга олишади. Шу сабабли, олий маълумотга бўлган талаб бўйича тўртта тахминни (гипотезани) киритиш мумкин:

1. Ҳозирги истеъмолга йўналтирилган олий ўкув юргига кириш эҳтимоли келажақдаги даромадга йўналтирилган одамларга караганда кам;
2. Аксарият ҳолларда ёш ўқувчилар (тайёргарлик даражаси ва квоталарга нисбатан) талабалар бўлишади;
3. Талабалар сони шартнома қийматининг ошиши билан камаяди;
4. Олий маълумотли одамлар ва мактаб битирувчиларининг иш ҳақи ўртасидаги тафовут ошса, олий ўкув юртларида талабалар сони кўпаяди.

Ушбу тахминларни батафсилрок кўриб чиқадиган бўлсак, психологлар келажакда ўз ҳаракатларининг ёки қарорларининг оқибатларини хисобламайдиган одамлар учун "ҳозирги йўналтирилган" атамасини ишлатадилар. Бу одамлар келажакка мутлақо эътибор бермайдилар ёки хисоб-китобдаги ўртacha фоиздан юкори бўлган чегирма ставкасининг мавжудлиги келажақдаги даромад (ёки харажат) сметасини нотўғри баҳолашга олиб келади. Таълим харажатлари бир хил бўлса ҳам, ёшларни нафақа ёшигача бўлган даврнинг узоклиги ҳар йили ўқишидан олинадиган кўшимча даромад билан келажақдаги даромад оқимининг қиймати юкори бўлишини ва шунга мос равишда таълимга қилинган инвестицияларнинг самарадорлиги вақт ўтиши билан ошишига нисбатан олиб келади.

Олий ва ўрта маълумотли одамларнинг даромадлари тафовутининг ошиши билан таълимга талаб ортиб бормоқда. Иқтисодий назарияда кутилаётган фойда маълум қарорларни қабул қилинганларни асосий сабаби хисобланади. Аммо ҳар қандай одамнинг келажақдаги даромадини етарлича аниқлик билан олдиндан айтиш қийин, бундан ташқари, талабалар касбни тўғри танлашга ва ўкув дастурини муваффақиятли бажаришга тўлиқ амин бўлолмайдилар. Агар олий ва ўрта мактаб битирувчиларининг ўртacha даромадларидаги тафовутлар учналиқ катта бўлмаса, унда олий маълумотга талабнинг пасайиши кутилади. Агар ушбу тафовутлар каттароқ бўлса, унда университетларда ўқишини истаганлар сонининг кўпайишини кутиш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал. Ўзбекистон Республикаси Олий ўкув муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

т/р	Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2015	2019
1.	Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига қабул қилинганлар тўғрисида маълумот, киши	41907	54170	58577	58301	120400
2.	Олий таълим муассасаларини тамомлаган мутахассислар, киши	31568	57845	76379	66290	67173
3.	Фаол соҳа ва ташкилотларнинг сони (дехқон хўжаликлари ва фермаларсиз), минг нафар	108,3	136,5	201,0	246,7	323,5
4.	Олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашиши (ишига йўлланма олганлар ва мустакил ишига жойлашганлар биргаликда келтирилган)	40270	48565	57011	52272	56960
5.	Олий ўкув юртларининг ўқитувчилар сони (ўкув йили бошида, киши)	18432	23070	23021	24909	27947

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2019 йилда 2000 йилга нисбатан Ўзбекистон Республикаси олий ўкув юртларининг бакалавриатига қабул қилинганлар сони 24,4 баробар ўсиб, 120400 нафарга етган, таълим муассасаларини тамомлаган мутахассислар 2,1 баробарга ошиб 67173 нафарни ташкил этди. Олий таълим муассасаларини самарадорлиги ва самарали фаолиятини аниқлашда ушбу таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашиши пировард натижка бўлиб, 2019 йилда 2000 йилга нисбатан уларнинг сони 1,4 марта ошиб, 56960 нафарга етди. Бу эса ўз навбатида жами битирувчиларнинг 84,8 фоизини қамраб олганлигини англатади. Таълим олиш айниқса, унинг самаралилигини аниқлаш меҳнат шароитларига, ишсизликка ва бошқаларга катта таъсир кўрсатади. Олий маълумотга эга бўлган одамлар учун иш шароитлари умуман қулайдир. Олий маълумотли одамларга иш топиш ўрта маълумотларга нисбатан осонроқ, шунингдек, улар камроқ жисмоний фаолликни бошдан кечиришади, қарор қабул қилишда кўпроқ мустақилликка ва камроқ иш тартибига эга бўлишади ҳамда бошқа одамлар билан мулокот қилиш учун кўпроқ имкониятларга эга бўладилар. Бу эса ўз навбатида олий таълим муассасасида таълим олишга бўлган талабни ошишига олиб келади ва бу истеъмолчилар танлов имкониятини (қайси йўналиш ва қаерда таълим олиш) кенгайтиради. Бунинг учун олий таълим муассасалари фаолиятини тақослама таҳлилини амалга ошириш мақсадга мувофиқидир (4-жадвал).

4-жадвал. Бухоро вилояти олий таълим муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

Т/п	Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2015	2019
1.	Олий таълим муассасаларнинг бакалавриатига қабул қилинганлар тўғрисида маълумот, киши	2782	3042	3240	3134	8208
2.	Олий таълим муассасаларни тамомлаган мутахассислар, киши	1381	2628	4417	3357	3459
3.	Фаол соҳа ва ташкилотларнинг сони (дехкон хўжаликлари ва фермаларсиз), минг нафар	5,7	8,5	12,4	12,1	18,1
4.	Олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашиши (ишга йўлланма олганлар ва мустақил ишга жойлашганлар биргаликда келтирилган)	629	1506	3625	2784	3399
5.	Олий ўқув юртларининг ўқитувчилар сони, киши	894	1188	1254	1186	1615

Жадвал маълумотларидан кўринадики, Бухоро вилояти олий таълим муассасаларининг бакалавриат йўналишига қабул қилинганлар 2019 йилда 2000 йилга нисбатан 2,95 баробар ошиб 8208 кишига етди. Бу, ўз навбатида, ушбу таълим муассасалари битирувчилари сонини ҳам мос равишда 2,5 фоизга ўсиб 3459 кишига этишини таъминлади.

Олий таълим муассасаларига квоталарнинг ошиши, албатта, уларга самарали таълим бериш шартшароитлари билан таъминлашни тақазо этади. Бу борада биринчи навбатта ўқитувчи-профессорлар сонини таъминланганлигига эътибор қаратилиб, Бухоро вилояти олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчilar сонини 2000 йилга нисбатан 2019 йилда 1,8 баробарга ошиб 1615 нафарга ўзгаришига олиб келди. Маълумотларга кўра, 2019 йилда Бухоро вилояти олий таълим муассасаларининг битирувчилар сонига нисбатан 93,8 фоизи, яъни 3399 нафари ишга жойлашган. Ҳудудлар олий таълим муассасалари самарадорлигини аниқлашда таққослама усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунинг учун Навоий вилояти олий ўқув юртлари фаолияти таҳхилини амалга оширамиз (5-жадвал).

5-жадвал. Навоий вилояти олий таълим муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

Т/п	Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2015	2019
1.	Олий таълим муассасаларнинг бакалавриатига қабул қилинганлар тўғрисида маълумот, киши	600	1822	2009	1977	3990
2.	Олий таълим муассасаларни тамомлаган мутахассислар, киши	956	1779	3088	2166	2339
3.	Фаол соҳа ва ташкилотларнинг сони (дехкон хўжаликлари ва фермаларсиз), минг нафар	3,2	4,3	7,0	8,1	11,2
4.	Олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашиши (ишга йўлланма олганлар ва мустақил ишга жойлашганлар биргаликда келтирилган)	415	1227	2222	1631	1693
5.	Олий ўқув юртларининг ўқитувчилари сони (ўқув йили бошида, киши)	365	480	626	669	673

Жадвал маълумотларига кўра, Навоий вилояти олий ўқув муассасаларининг бакалавриат йўналишига 2000 йилга нисбатан 2019 йилда 6,65 баробар ошган (3990 нафар) ва олий таълим муассасаларининг тамомлаган талабалар сони 2019 йилда 2000 йилга нисбатан 2,45 баробар ошган (2339 нафар).

Ушбу битирувчиларнинг 2000 йилда битирувчиларга нисбатан 69,2 фоизи ишга жойлашган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 3,2 фоиз ошиб, 72,4 фоизга етди.

Ушбу олий ўқув юртларини битирувчиларга нисбатан ишга жойлашганлар бўйича таққослайдиган бўлсак, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича олий таълим муассасалари битирувчиларнинг 84,8 %ини, Бухоро олий таълим муассасалари битирувчиларининг 93,8 %ини ва Навоий олий таълим муассасалари битирувчиларини 72,4 %ини қамраб олганлигини кўриш мумкин. Албатта, бунда ушбу вилоятлардаги фаолият кўрсатаётган фаол соҳа ва ташкилотларнинг сонига ҳам эътибор қаратиш лозим бўлиб, 2019 йилда Бухоро вилоятида Навоий вилоятига нисбатан соҳалар сони 6,9 минг тага кўп. Аммо, қандай бўлмасин, натижалар Бухоро вилояти олий ўқув юртлари фаолияти самарадорлигини юқори эканини англатиб, бу борадаги таълим муассасаси тажрибасини ўрганиш максадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармонининг 1-илловаси: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. //Lex.uz.
2. Денисон Э. Исследование различий в темпах экономического роста. – М.: Наука, 1971. – С. 171.
3. Мир и Россия: Материал для размышлений и дискуссий. // Под ред. К. Шерам, Т. Субботиной, В.Автономова. - М.: Экономическая школа, 2000. – С. 167.
4. Олий таълим соҳаси вакилларининг Ўзбекистон халқига мурожаати. 17.07.2019 й. <http://uza.uz/oz/society/oliy-talim-so-asi-vakillarining-zbekiston-khal-iga-murozhaat-17-07-19>
5. Мир и Россия: Материал для размышлений и дискуссий. // Под ред. К. Шерам, Т. Субботиной, В.Автономова. – М.: Экономическая школа, 2000. – С. 167.
6. Муаллиф ишланмаси
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.
8. Олий таълим соҳаси вакилларининг Ўзбекистон халқига мурожаати. 17.07.2019 й. <http://uza.uz/oz/society/oliy-talim-so-asi-vakillarining-zbekiston-khal-iga-murozhaat-17-07-19>

Олий таълим муассасалари бошқарувининг устувор йўналишлари
Қаҳҳоров О. С. Бухарский государственный университет

Мақолада олий таълим муассасаларида стратегик бошқарувнинг ўзига хос йўналишилари ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: стратегик бошкарув, илмий ва маърифий салоҳият, ракобатбардош кадр, инсон капитали, замонавий, олий таълим хизматлари, таълим сифати, инвестиция, мамлакат тараққиёти, турмуш фаровонлиги, бошқарув механизми.

*Приоритетные направления управления высшими учебными заведениями
Қаҳҳоров О.С. Бўхора давлат университети*

В статье рассматриваются конкретные направления стратегического управления в высших учебных заведениях.

Ключевые слова: стратегический менеджмент, научно-образовательный потенциал, конкурентоспособный персонал, человеческий капитал, современные услуги высшего образования, качество образования, инвестиции, развитие страны, благосостояние, механизм управления.

*Priority areas of higher education institutions management
Qahhorov O.S. Bukhara State university*

The article discusses specific areas of strategic management in higher education institutions.

Key words: strategic management, scientific and educational potential, competitive staff, human capital, modern, higher education services, quality of education, investment, country development, prosperity of life, management procedures.

С О Д Е Р Ж А Н И Е

Е С Т Е С Т В Е Н Н Ы Е И Т Е Х Н И Ч Е С К И Е Н А У К И

**МАТЕМАТИКА. ФИЗИКА.
ТЕХНИКА.**

Айтбаев К.Р. Разработка конструкции отопительного прибора с промежуточным теплоносителем	4
Таджиходжаева М.Р., Косымбетов Б.Е., Даулетов М.Б., Торешов Д.Б. Конструктивные системы в природе и дорожных машинах	7
А.Б.Абубакиров, И.Қ.Баймуратов, А.Д.Утемисов, М.Т.Шарипов. Электр таъминоти тизимларида реактив кувват манбаларини бошқаришнинг кўп фазали токлари датчикларининг динамик тавсифлари	9
Mirzataev S.M., Raximberdiyev Q.B., Mirzataeva V.M. Adleman – Lenstrning katta sonlarni tublikka tekshirish algoritmining asimmetrik kriptosistemalar rivojidagi ahamiyati	13
Уразымбетова Э.П., Казымбетова М.М. Решение оптимизационной задачи коммивояжера с использованием муравьиного алгоритма	16
Турманов И., Алланиязов Ф., Палёанов Б., Шамуратов М. Тоқымашылық материалтаныў пәниниң математика менен байлындысы	19

**ХИМИЯ. ТЕХНОЛОГИЯ
БИОЛОГИЯ. ГЕОГРАФИЯ**

Хасанов А.О., Джолдасов А.Б. Қоңырат-Мойнақ автомобиль жолы бойлап инновацион ландшафт дизайн исперин шөлкемлестириў мәселелери	21
М.М.Махмудова*, Г.Б.Караматова**, Н.А.Утимуродов*** potentilla I. туркум турларининг аҳамияти	25
Росабоев А.Т., Утегенов У.А. Бир чигитли пахталарни саралаш учун истиқболли йўналишни танлаш	28
Умиров Ф.Э., Музарифов А.М., Умиров У.Ф., Пирназаров Ф.Г. Исследование минерального состава сапонитов учутского месторождения	32

ЭКОНОМИКА. ФИНАНС.

Мадаминов И.О. Худудларда инвестиция фаолигини ошириш масалалари	35
Қўзибоев Б.А. Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ҳолати, муаммолари ва ечимлари	38
Raximov Z.O., Ismailov N.I. Rivojlanayotgan raqamli iqtisodiyotda raqamlashayotgan turizmning ahamiyati	41
Любов И. Ўзбекистон туризм хизматлари бозорида инвестицион мухитини методологик-услубий асосларини такомиллаштириш	44
Алимова М.Т., Умаров Т.О. Институциональные основы создания и функционирования свободных туристских зон в Узбекистане	48
Халмуратов Қ.П. Давлат ва хусусий сектор шерикчилиги концепсиясининг генезиси	52
Шамуратов А. Ш. Мехнат бозорида малакали кадрларни тайёрлаш тизимини жорий этиш	57
Кадирова М.М. Талабаларда иқтисодий қўнималарни ривожлантиришда интерактив таълим технологияларидан фойдаланиш имкониятлари	58
Инятов А., Бабаназарова С. Экономиканы модернизациялауда инвестициялардың роли ҳэм эҳмийети	62
Исақов Ж.Я., Халлиева Н. Р. Ўзбекистонда инвестицияларнинг роли ва уларнинг ривожланиш истиқболлари	65
Мусалимов Ш. И. Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш: хусусиятлари ва ҳозирги замон муаммолари	68
Ситмуратов Т., Қудияров К. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг устувор йўналишлари	73
Ҳасанов Т.А. Ўзбекистонда уй-жой коммунал хизматларни кўрсатишда профессионал бошқарувчи корхоналар иштирокини кенгайтириш масалалари	75
Ergashev I.I., Mullaeva M.A. Milliy iqtisodiyot raqobatbardoshligini oshirishda investitsiyalar jalb qilishning ustuvor yo'nalishlari va tendensiyalari	78
Тошқулов А. Ҳ. МДҲ мамлакатларида кишлоқ хўжалиги корхоналарини соликка тортиш тизими	82
Қаххоров О. С. Олий таълим муассасалари бошқарувининг устувор йўналишлари	86

**ОБРАЗОВАНИЕ. МЕТОДОЛОГИЯ.
ПСИХОЛОГИЯ**

Сагиндикова Н. Дж. Шахс масъулиятининг касбга боғлиқлиги хусусиятлари	94
Абдимуратов Ж.П. Семья-основа благодеяния страны	95
Акимов Н.Т. Гимнастика секциясина балаларды таңлап алыў усыллары	98
Альджанова Г. А. Технология проектно-контекстного обучения в системе профессионально-педагогического образования	101
Tosheva D. I. Milliy qadriyatlar - boshlang'ich sinf o'quvchilarini ekologik tarbiyalashning muhim omili	104
Раджабов У.Р. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида жисмоний сифатларини миллий харакатли	

үйинлар орқали ривожлантиришни педагогик аҳамияти.	
Бекмирзаев М.Х., Ўралов А.И. Биологик фанларни ўқитиш технологиялари	107
Каримов З.А. Соғлом турмуш тарзи - репрадуктив саломатликнинг асосидир	110
Султанова Г.С. Таълим жараёнида креатив тафаккурнинг аҳамияти	113
Нарметова Ю.К. Бронхиал астма билан касалланган болаларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари	116
Berdimuratov R.Z. O'zbekistonda milliy kurash sport turiga qaratilayotgan imkoniyatlar	119
Қирғизбоев М.М. Юкори малакали белбоғли курашчиларда бўғимлараро эгилувчанликни педагогик тажриба давомида шакллантириш самарадорлиги.	121
Содикова Ш.М. Узлуксиз таълим тизимида ёруғликнинг тўлқин хоссаларини намойиш қилишда анимацион моделлардан фойдаланиш	124
Тлеубаева Г.С. Математик иқтидорни аниқлашда интерфаол таълим технологиялари	127
А.Р.Казаков., И.К.Аллаяров. Волейболчиларга хос анаэроб иш қобилиятини оширишда гипоксик машқлардан фойдаланиши афзаллиги	130

**ИСТОРИЯ. СОЦИОЛОГИЯ.
ФИЛОСОФИЯ. ЮРИСПРУДЕНЦИЯ.**

Пулатов А. Государственная политика Республики Кыргызстан и законодательство в религиозной сфере	134
Абсатторов Б.М. Инсон фаолиятида ахлоқий меъёрни шакллантириш мезонлари	138
Акимниязов Г.А. Традиционный каракалпакский базар XIX века	145
Анорбоев А. Болаларнинг соглиғига зарар етказувчи ахборотлар: жиноят ва жазо масалалари	151
Оразбаев А.К. Француз философларының еркинлик ҳаққындағы көз-қараслары	156
Хамдамова Д.Р. Германия федератив Республикасида прокуратура ва суд органлари фаолияти ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларининг қиёсий таҳлили	159
Донокулов Н.Х. Показатели эффективности и критерии оценки деятельности таможенных постов	162
Утемуратов М.А., Дауменов Б.А. Жамиятда хукукий онгни юксалтириш - фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим омили	167
Мухаммадиев Ж.У., Маматов М. Свобода слова, свобода средств массовой информации отличительный знак демократии	171
Казакбаев Ҳ.И. Жанубий хитой денгизидаги баҳсли ҳудудлар ва унда хитой халқ Республикасининг позицияси	174
Камилов Д.З. Ўзбекистонда виждон эркинлигининг ўзига хос моделини шаклланиши ва ривожланиши	176
Максетова М.К. Пуқаралық жәмийетин рајағландырыўда шахс руўхый жетиклигиниң орны ҳәм әхмийети	180
Олтибоев А.М. Ўзбекистон ва Қозогистон Республикалари маданий ҳамкорлиги тарихидан	182
Сейтимбетов М.К. Қубла Арал аймагындағы құргақлықтағы жоллар ҳәм қатнас қураллары (XIX әсир)	186
Анёзов Р.Б. Марказий осиё карvon йўлларининг асосий йўналишлари (XIII–XV асрлар)	188
Меликова М.Н. Духовное наследие Накшбанди в творчестве Алишера Навои	190
Пирназаров Н. Руўхыйлық мәселесиниң философиялық анализленийи	195
Реймов Р.М. Эдеплилик – инсан өмириниң мазмуны	199
Тажимираев Э.А. Ўзбекистон халқлари кундалик ҳаётидаги ўзгаришлар (XX асрнинг 60-80-йиллари мисолида)	202
Сейтимбетова Н.М. Миллатлараро муносабатларнинг ташкилий-хукукий асослари	204
Тургунова Н.Н. Замонавий дунёда давлат сиёсатида ёшларнинг ўрни ва унга таъсир қилувчи турли омиллар	207
Баҳодирова Ф.Б. Прагматизм фалсафаси ва унинг жамиятни модернизациялашга таъсири	211
Атамуратов М.У. Бошқарув кадрлари компетентлиги – ўзбекистон тараққиётини юксалтирувчи куч	214
Байрыева А.Қ. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда жамоатчилик назоратининг роли ва аҳамият	219
Нсанбаева Э.Т. Ислам дининде инсанның руўхый жетиклиги мәселеси	222
Опаев Б. Ғәzzел қазы ҳәм «Он тогыз» ўақыясы	225
Gafforova M.Q. The influence of the development of science and education in society on the change in the spiritual image of a woman	227

ФИЛОЛОГИЯ. ЖУРНАЛИСТИКА.

Досымбетова А.А. Пейзажлық образлар ҳәм лирикалық қаҳарманның руўҳыяты (И.Юсупов лирикасында пейзаждың қолланыў өзгешеликлери ҳаққында)	230
Сейтимбетова А.П. The lingua-cultural analysis of the concept “ground” in the English lan	232
Асенбаева Г.Х. К. Султановтың «Әжинияз» романында сюжет мәселеси	235
Ибрагимов Б. Некоторые аспекты совершенствования тренерского мастерства тренеров по вольной борьбе в системе повышения квалификации	237
Даниёрова Б.А., Данияров Ш.А. А. де Сент-Экзюпери «Кичкина шахзода» «эртак-қиссаси ва унинг ўзбек тилидаги таржимасининг қиёсий таҳлили.	241
Курбаниязов Д. Каракалпак газеталары темаларының структуралық-функционаллық өзгешеликлери	244

Расулова М.И. Роль сопоставительного анализа в профессиональной подготовке студентов языковых ВУЗов	247
Оразымбетова З.Қ. Баспасөзде очерк жанры: тили ҳәм стильтик өзгешеликтери	251
Қожықбаева З.Ә. Академик Марат Нурмухаммедов ҳәм қарақалпақ публицистикасы	255
Бекбергенова З.У. К. Мәмбетов романларының ғәрәзислиз жылларында изертленийи	258
Сабирова Н. К. Социопрагматиканинг илмий ёндашув ва воситалари таҳлили	263
Каландарова Г.Н. Проблема изучения тюркизмов (каракалпакизмов) в составе русского языка	265
Мамбетов И. Қарақалпақ поэзиясында уйқастың түрлери (XX ғасирдин 30-жылларындағы қарақалпақ поэзиясы мысалында)	270
Qudaybergenov M., Musaev A. A. Definiteness and indefiniteness of the noun in english and karakalpak languages	274
Нзанова С.К. Қарақалпақ тилиндеги жанапайларды контекст көз-қарасынан үйрениў	277
Кадиров Қ. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида модернизацияланыётган олий таълим	280
Юсупов Қ. А. Академиялық лицейлерде прозалық шығармаларды таллаў	281
Сабирова Н. К. Инглиз тилшүнослигига паронимия таърифига ёндашувлар	284
Юлдашев Н. Структура глагольных словосочетаний с инфинитивом, выражающие значения желания.	286
Абдимуратов А. Т. Жумамуратовтын ораторлық шеберлиги өзгешеликлер	290
Islamova D. Ayrım transpositiv so'zlar talqiniga doir (Usmon Azim she'riyati misolida)	294
Qarlibaeva G., Badaxshanova A. Qaraqalpaq tilinde frazeologizmlerde variantliliq ma'seleleri (<i>M. Nizanov shıǵarmaları tiykarında</i>)	296